


«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида Термиз тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда



Маълумки, юртимизда жорий йилнинг 20 октябридан 1 декабрга қадар кўчат экиш бўйича «Долзарб 40 кунлик» эълон қилинди. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 11 октябрь куни ўтказилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар мавзусидаги видеоселектор йиғилишида маълум қилинган эди.

Шу муносабат билан Термиз тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Одижон Якубов ходимлар билан бирга солиқ органи ҳудудидаги майдонда ҳамда туманнинг 4-Секторидаги маҳаллалар ҳудудида ташкил этилган войиш майдонлари ва аҳоли хонадонларида 902 туп меваги ва манзарали дарахт кўчатларини экишди.

Туманда «Долзарб 40 кунлик» доирасида кузги дарахт, бута ва гул кўчатларини экиш ишлари қизғин равишда давом эттирилмоқда.